

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Ўзгидромет Бош директори,
Ҳайъат раиси



[.Хабибуллаев
“22” ноябрь

Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати
маркази Ҳайъат йиғилишининг 14-сон
БАЁНИ

“22” ноябрь 2021 йил

Тошкент шаҳри

Раислик қилди: Ш.Х.Хабибуллаев - Ўзгидромет Бош директори, ҳайъат
раиси

Қатнашдилар: Ўзгидромет вақтингчалик ҳайъати аъзолари, марказий
аппарат бошқарма ва бўлим бошлиқлари,
Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент
шаҳар гидрометеорология бошқарма бошлиқлари,
Гидрометеорология илмий-тадқиқот институти,
Тошкент гидрометеорология техникуми ҳамда
Метеоинфоком ДМ раҳбарлари (*рўйхат бўйича*)

КУН ТАРТИБИ:

**I. Ўзгидромет марказий аппарати, куйи тизим ташкилотлари
ва худудий бошқармаларида ижро интизоми талабларига риоя этилиши
ахволи тўғрисида**

Ҳисобот берувчи: Бош директор ўринбосари И.Каримов

**II. Белгиланган мақсадли кўрсаткичларни ўз вақтида бажарилишини
таъминлаш ҳамда кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш ва
тушумлар режасини бажариш бўйича кўрилаётган чоралар тўғрисида**

*Ҳисобот берувчилар: Гидрометеорологик кузатувлар тармоғи бошқармаси
бошлиги Д.Азимов, бош ҳисобчи Т.Ходжамуродов ва вилоят ҳудудий гидрометеорология
бошқармалари раҳбарлари*

**III. Гидрометеорология хизмати маркази Ҳайъат аъзолари таркибини
кўриб чиқиш ҳақида**

Ҳисобот берувчи: Бош директор ўринбосари Ф.Сафаров

IV. Соҳага қўшимча инвестиция жалб қилиш юзасидан йўл харитаси ҳақида

Хисобот берувчи: Гидрометеорология ва иқлим ўзгариши соҳасида лойиҳаларни амалга ошириши ва бошқарши бошқармаси бошлиги Р.Шукуров

Кун тартибидаги масалалар бўйича ҳисботлар эшитилиб, Ҳайъат йиғилиши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

I. Ўзгидромет марказий аппарати, қўйи тизим ташкилотлари ва худудий бошқармаларида ижро интизоми талабларига риоя этилиши аҳволи тўғрисида

(Ҳабибуллаев, Каримов, Қориев, ҳайъат аъзолари ... Ҳабибуллаев)

1. Бош директор ўринbosари И.Каримовнинг Ўзгидромет марказий аппарати, қўйи тизим ташкилотлари ва худудий бошқармаларида ижро интизоми талабларига риоя этилиши аҳволи тўғрисида берган ҳисботи маълумот учун қабул қилинсин.

2. Марказий аппарат бошқарма, бўлим бошликлари, вилоят ҳудудий гидрометеорология бошқармалари ва тизим ташкилотлари раҳбарлари:

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 февралдаги “Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6166-сон Фармони ҳамда 2021 йил 31 майдаги “Ijro.gov.uz” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизимини самарали фаолият кўрсатишни таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПК-5132-сон қарорига асосан “Ijro.gov.uz” электрон тизими орқали келиб тушаётган назоратли қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларини ўз вақтида тўлиқ ва сифатли ижро этилишини таъминлаш мақсадида 3 кун мuddатда Гидрометеорология илмий-тадқиқот институти, Тошкент гидрометеорология техникуми, Метеоинфоком ДМ ва вилоят ҳудудий гидрометеорология бошқармаларида мурожаатлар билан ишлаш

ва ижро интизоми билан шуғулланувчи зарур малака ва тажрибага эга бўлган масъулиятли ходим ажратиб, тегишли буйруқ асосида бириклиши;

- раҳбарият томонидан белгилаб берилаётган топшириқларни ўз вақтида тўлиқ ва сифатли бажарилишига ҳамда ижро интизоми талабларига риоя қилинишига шахсан масъул эканликлари ҳақида огоҳлантирилсин;

- жисмоний ва юридик шахсларни қабулларини ташкил этиш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, “Ишонч телефони” фаолиятини йўлга қўйиш ва қилинган мурожаатларни назоратга олиш ҳамда ҳисбини юритилишини таъминлаш;

- мурожаатлар билан ишлаш бўйича ходимларни масъулиятини ошириш, мурожаатларни кўриб чиқишида ҳар қандай кўринишдаги

қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўймаслик устидан назоратни кучайтириш вазифалари топширилсин.

3. Жорий йилнинг ноябрь ойида бажариш муддатидан кечикиб, ижро этилган топшириқ ва хужжатлар бўйича масъул ижрочиларга тўланадиган ойлик мукофот пуллари 50 фоизга, декабрь ойида такroran бажариш муддатлари бузилган тақдирда эса 100 фоизга қисқартирилиши белгилаб қўйилсин.

II. Белгиланган мақсадли кўрсаткичларни ўз вақтида бажарилишини таъминлаш ҳамда кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш ва тушумлар режасини бажариш бўйича кўрилаётган чоралар тўғрисида

(Хабибуллаев, Ҳоджамуродов, Азимов, ҳайъат аъзолари,... Хабибуллаев)

1. Бош ҳисобчи Т.Ходжамуродовнинг белгиланган мақсадли кўрсаткичларни ўз вақтида бажарилишини таъминлаш ҳамда кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш ва тушумлар режасини бажариш бўйича кўрилаётган чоралар тўғрисидаги ҳисботи маълумот учун қабул қилинсин.

2. Кадрлар бўлими (Ибрагимова) белгиланган мақсадли кўрсаткичларни ўз вақтида бажарилишини таъминлашда қолоқликка йўл кўяётган, кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш ишларига масъулият билан ёндошмаган ҳамда тушумлар режасини бажариш бўйича зарур чоралар кўрмасдан, етарли ишларни ташкил этмаганликлари учун қуидаги раҳбарларга “Ҳайфсан” интизомий чораси қўлланилсин:

1. Табиий муҳит ифлосланиши мониторинги бошқармаси бошлиғи М.Плоцен

2. Наманган вилояти гидрометеорология бошқармаси бошлиғи М.Мутавалиев

3. Фарғона вилояти гидрометеорология бошқармаси бошлиғи М.Жўраев

4. Самарқанд вилояти гидрометеорология бошқармаси бошлиғи в.в.б. В.Мирзоев

5. Бухоро вилояти гидрометеорология бошқармаси бошлиғи в.в.б. М.Хусинов

6. Тошкент вилояти гидрометеорология бошқармаси бошлиғи в.в.б. Н.Рахимов

7. Сурхондарё вилояти гидрометеорология бошқармаси бошлиғи в.в.б. Р.Пардаев

8. Қашқадарё вилояти гидрометеорология бошқармаси бошлиғи в.в.б. А.Таджиев

9. Жizzах вилояти гидрометеорология бошқармаси бошлиғи в.в.б. Б.Холбеков

10. Андижон вилояти гидрометеорология бошқармаси бошлиғи в.в.б. И.Махмудов

11. Хоразм вилояти гидрометеорология бошқармаси бошлиғи ўринбосари У.Аллаберганов

12. Сирдарё вилояти гидрометеорология бошқармаси бошлиғи ўринбосари И.Жулбеков

3. Ушбу масъуллар жорий йил якунларига кўра белгиланган режа-кўрсаткичлар тўлиқ бажарилмаган тақдирда эгаллаб турган лавозимларига лойиқлик масаласи кўриб чиқилиши ҳақида қатий **огоҳлантирилсин**.

III. Гидрометеорология хизмати маркази Ҳайъат аъзолари таркибини кўриб чиқиш ҳақида.

(Ҳабибуллаев, Сафаров, ҳайъат аъзолари,... Ҳабибуллаев)

1. Бош директор ўринбосари Ф.Сафаровнинг Гидрометеорология хизмати маркази Ҳайъат аъзолари таркибини кўриб чиқиш ҳақидаги берган ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.

2. **Бош директор ўринбосари (Сафаров)** Гидрометеорология хизмати маркази ҳайъати аъзолари таркибини амалдаги қанунчиликка мувофиқ хуқуқий хулоса олиш ва келишиш учун Адлия вазирлигига киритсин.

IV. Соҳага қўшимча инвестиция жалб қилиш юзасидан йўл харитаси ҳақида.

(Ҳабибуллаев, Шукров, ҳайъат аъзолари,... Ҳабибуллаев)

1. Гидрометеорология ва иқлим ўзгариши соҳасида лойиҳаларни амалга ошириш ва бошқариш бошқармаси бошлиғи Р.Шукровнинг соҳага қўшимча инвестиция жалб қилиш юзасидан йўл харитаси ҳақида берган ҳисоботи маълумот қабул қилинсин.

2. **Бош директор ўринбосари (Каримов), гидрометеорология илмий-тадқиқот институти (Агзамов), Гидрометеорология ва иқлим ўзгариши соҳасида лойиҳаларни амалга ошириш ва бошқариш бошқармаси бошлиғи (Шукров) 10 кун муддатда соҳага қўшимча инвестиция жалб қилиш юзасидан аниқ ва асосланган лойиҳалар бўйича йўл харитасини ишлаб чиқиб, келишиш учун Бош директорга киритсин.**

Ушбу йўл харитасида киритиладиган ҳар бир тадбирлар саволнома асосида тайёрлансан.

3. Мазкур Ҳайъат йиғилишида белгилаб берилган вазифалар ижросини назорат қилиб бориш Бош директор ўринбосарлари И.Каримов, Ф.Сафаров ҳамда тегишли бошқарма, бўлим бошлиқларига зиммасига юклатилсин.